

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИДАН КЕЙИНГИ ДУНЁ ВА УНИНГ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Б. Усмонов

Аннотация. Мақолада глобал инқирознинг иқтисодиётга таъсири илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Шунингдек, COVID-19 пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири таҳлил қилинган ҳамда миллий иқтисодиётга унинг таъсирини камайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: глобал инқироз, миллий иқтисодиёт, COVID-19 пандемияси, молиявий таъминот, ижтимоий ҳимоя, талаб, иқтисодий пасайиш, ташқи қарз.

Аннотация. В статье исследованы научно-теоретические аспекты влияние глобального кризиса на экономику. А также, проанализировано влияние глобального кризиса на экономику стран вызванного пандемией COVID-19 и были разработаны научные предложения и практические рекомендации по снижению его воздействия на национальную экономику.

Ключевые слова: глобальный кризис, национальная экономика, пандемия COVID-19, финансовое обеспечение, социальная защита, спрос, экономический спад, внешний долг.

Abstract. The article investigates the impact of the global crisis on the economy from a scientific and theoretical point of view. It also analyzes the impact of the global crisis caused by the COVID-19 pandemic on the economies of countries and develops scientific proposals and practical recommendations to reduce its impact on the national economy.

Key words: global crisis, national economy, COVID-19 pandemic, financial provision, social protection, demand, economic downturn, external debt.

Хозирги кунда бизга маълумки, бутун дунёда юз бераётган короновирус пандемияси бутунжаҳон ҳамжиятини ларзага солмоқда. Бу эса, мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Шу сабабли, пандемияга қарши курашиш билан бир қаторда, мамлакатлар ҳукуматлари томонидан иқтисодий йўқотишларга қарши курашиш чоралари ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда.

Бугунги кунга келиб халқаро ҳамжамиятда глобал иқтисодий инқироз бонг ура бошлади. Умуман олганда, иқтисодий инқирозлар одатда талаб ёки

таклифдан бошланади. Масалан, 2008 йил жаҳон молиявий инқирозининг сабаблари АҚШдаги инвестицион банклар нотўғри қимматли қоғозлар сотиб, уй ва кўчмас мулк бозорини кулатган. Ундан сўнг домино эффектига қолган бозорлар ҳам кулашни бошлаган сабабли умумий талаб пасайган. Компаниялар инқироз туфайли инвестиция қилишни тўхтатган, шу сабабли ҳамма нарса тўхтаган. Инсонлар пулларини жамғаришни бошлаган ва оҳир оқибат бу ҳолат инқирозга олиб келган.

Иқтисодчи олимлар проф. Сердар Озгурк ва проф. Али Создемирнинг илмий тадқиқотларига кўра [3], 2007 йилда АҚШда бошланган молиявий инқироз тезда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга таъсир ўтказиш орқали глобал миқёсга кўтарилган ҳамда бу даврда катта талофат кўрган давлатлардан бири Греция бўлган. Давлат бюджети тақчиллиги, ташқи қарзларнинг юқори суръатлари, ишсизлик даражасининг қарийб 2 баробарга ортгани, солиқ базасининг кескин ва солиқларни йиғувчанлигининг пасайиши Греция иқтисодиётида мўртлик ва ликвидлилик инқирозини кучайтирган. Инқироз нафақат иқтисодиётдаги коррупцияни тезлаштирган, балки унинг сурункали заиф томонларини ҳам аниқлаган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотчилар Грециядаги муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал қилиш учун иқтисодиётнинг барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва шаффофлиги тўғрисида таркибий ислоҳот зарур эканлигини таъкидлашди ва бу нафақат иқтисодиётда, балки сиёсат ва жамиятда ҳам ўзгариши керак бўлиб, бу ўзгариш қўллаб-қувватланиши лозимлигига алоҳида урғу беришади.

Бундан ташқари, 2008 йилдаги молиявий инқироз пайтида экспортга кучли боғлиқлиги туфайли Германия, энг кўп зарар кўрган давлатлар қаторига кирди. Аммо, деярли барча мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Германия инқироздан аввалгига қараганда тезроқ ва кучлироқ бўлиб чиқди. Ушбу муваффақиятни тадқиқотчи олимлар, Серваас Сторм ва С.В.М.Наастепадлар иккита сабабда кўрсатишади [4]. Биринчиси, неолиберал ёндашув бўлиб, яъни Германиянинг муваффақияти фискал консерватизм, фаровонлик ҳолати ва меҳнат бозоридаги таркибий ислоҳотларни ўзида мужассам этган қатъий иқтисодий бошқарув ҳисобланса, иккинчиси эса, ишчи кучи таннархини пасайтириш орқали рақобатбардошликни ошириш ҳамда иш билан бандликни кўпайтириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш бўлган. Фикримизча, пандемия натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини камайитиришда тадқиқотчиларнинг меҳнат бозоридаги таркибий ислоҳотларни ўзида мужассам этган қатъий иқтисодий бошқарув олиб бориш тўғрисидаги таклифи муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу шароитда аҳолининг ишсизлик даражасини ошиб кетишини олдини олиш мақсадида меҳнат бозорини диверсификация қилиш, асосан масофавий ишлаш режимидаги фаолиятларни ривожлантириш, йирик ишлаб

чиқарувчиларни шароитга мосланувчан кичик бизнес фаолиятига ўтказиш ва унда қатъий иқтисодий бошқарув олиб бориш иқтисодиётни инқироз даврида ва ундан кейинги босқичларда барқарор ривожланишига мустаҳкам пойдевор бўлади.

Ҳозирги кундаги аҳволдан шу маълумки, иқтисодиётдаги пасайишларни ва барқарор ўсишни сезиларли даражада камайганлигини ҳисобга олмаслик пандемия оқибатларини бир неча ўн бароваргача ошириб юбориши мумкин. Чунки, бу жараёнда аҳоли ўртасида моддий таъминот билан боғлиқ муаммоларнинг ортиб бориши муаммонинг янада кескин авж олишига олиб келади. Бутун дунёдаги намоён бўлиб улгурган аҳоли бандлигидаги муаммолар ва ишсизлик даражасининг ўсиши, меҳнат мигрантларининг фаолият доираси қисқариши натижасида халқаро пул ўтказмаларининг пасайганлиги, туризм ва логистика тизими издан чиқаётганлиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги узилишлар оқибатида мунтазам даромадлиликнинг юқори риск остида қолаётганлиги ва бошқа қатор муаммолар барча давлатлар бюджети ижросига чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўз таъсирини нафақат микро даражада балки макро даражада ҳам ўтказмасдан қолмаяпти. Бундай шароитда давлат томонидан бажарилиши лозим бўлган айрим функцияларнинг ортга сурилиши ижтимоий муаммолар кўламининг ортишига олиб келади, албатта.

Иқтисодчи олимлар Ричард Балдвин ва Беатрисе Ведер ди Мауронинг изланишларига қараганда [5], COVID-19 нинг иқтисодий зарарланиш каналлари дунё миқёсида қуйидаги чегаралар орқали оқиб келади:

• Товарлар;	• Молиявий капитал;
• Хизматлар;	• Тўғридан-тўғри хорижий Инвестициялар;
• Ноу-хаулар;	• Халқаро банк иши;
• Одамлар;	• Валюта курслари.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу оқимларнинг баъзилари, COVID-19 нинг тиббий ва иқтисодий жиҳатларини боғлайдиган йўналишларидан бири бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўз навбатида, уларни банклардан бошлаб кўриб чиқиш муҳим саналади, негаки банклар – бу молия капитали ҳисобланиб, капитални жалб қилиш учун самарали натижани тақдим этади.

Иқтисодий ишлар бўйча разведка бўлимининг глобал прагнозлаш бўйича директори, Агатхе Демараиснинг фикрига қараганда [6], глобал иқтисодий манзара дунё бўйлаб деярли барча ривожланган иқтисодиётларда рецессия кузатилганлиги туфайли ноаниқ кўринишда. Унинг фикрига кўра, йилнинг иккинчи ярмида тикланиш бўлиши мумкин, аммо пандемия бошланишининг салбий оқибатлари юқори бўлади, чунки эпидемиянинг иккинчи ёки учинчи тўлқинлари пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлиб, у иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин. Фикримизча, бундай босқичда блокировкадан чиқиш стратегиясини кўриш қийин, яъни ноаниқлик юқори

даражада қолади ва охир оқибат, фискал даромадларнинг камайиши ва давлат харажатларининг кўпайиши кўплаб давлатларни қарз инқирозига олиб келади.

Таҳлилларга назар ташласак, пандемия деярли барча G20 давлатларини рецессияга олиб келмоқда. Коронавирус тарқалишидан сўнг, дунёдаги барча мамлакатлар учун ўсиш прогнозларини қайта кўриб чиқилди ва унгда G20 бўйича бу йил учта мамлакатдан ташқари барча давлатлар рецессияни қайд этилиши натижасида, жаҳон иқтисодиёти 2,2 фоизга пасаяди (1-жадвал).

1-жадвал

**2020 йилда G20 мамлакатларининг қайта кўриб чиқилган ўсиш
прогноزلари (26-март, 2020 йил)**

№	Мамлакатлар	ЯИМнинг реал ўсиши (% , 2020)	Олдинги башорат (авж олишдан олдин) (% , 2020)
1	Аргентина	-6.7	-2
2	Австралия	-0.4	2
3	Бразилия	-5.5	2.4
4	Канада	-1.3	1.8
5	Хитой	1	5.9
6	Франция	-5	1
7	Германия	-6.8	0.9
8	Ҳиндистон	2.1	6
9	Индонезия	1	5.1
10	Италия	-7	0.4
11	Япония	-1.5	0.4
12	Жанубий Корея	-1.8	2.2
13	Мексика	-5.4	1.1
14	Россия	-2	1.6
15	Саудия Арабистони	-5	1
16	Жанубий Африка	-3	1.4
17	Туркия	-3	3.8
18	Бирлашган Қироллик	-5	1.1
19	АҚШ	-2.8	1.7
20	Глобал (бозор айирбошлаш курслари)	-2.2	2.3

Манба: <https://www.eiu.com>- сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвал маълумотларидан шуни айтиш мумкинки, АҚШ иқтисодиёти жорий йилда 2,8 фоизга пасаяди. Бундан ташқари, пандемия билан боғлиқ иқтисодий хатарлар кучая бошлагач, Саудия Арабистони ва Россия ўртасида нефть қазиб олишни қисқартириш тўғрисидаги келишув қулаб тушди, бу эса нефть нархларининг кескин пасайишига олиб келди. Коронавирус эпидемияси туфайли жаҳонда нефть нархининг пасайиши барча соҳалар сингари жорий йилда ёқилғи-энергетика соҳасида инвестицияларнинг кескин камайишини ва экспортнинг ўсиши пасайишини англатади.

Шунингдек, пандемия оқибатлари натижасида Хитой ЯИМнинг реал ўсиши 2019 йилда 5,9% га нисбатан, 2020 йилда атиги 1% даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда. Европа ҳудуди эса, йилига ўртача 5.9% пасайиши мумкин бўлган энг катта зарар кўрадиган минтақалардан бири бўлиши мумкин. Жумладан, Германия (-6,8%), Франция (-5%) ва Италия (-7%) тўлиқ йиллик таназзулни бошидан ўтказиши кутилмоқда (1-жадвал). Германияда улкан ишлаб чиқариш сектори юқори даражада экспортга йўналтирилган бўлиб, ушбу мамлакат етказиб бериш занжирининг узилиши ва глобал талабнинг заифлигидан далолат беради. Натижада, 2020 йилнинг иккинчи ярмида евроҳудуднинг бошқа мамлакатларига нисбатан тикланиш Германияда анча секинлашиши мумкин.

1-жадвал маълумотларига кўра, Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида ҳам иқтисодий пасайиш юқори даражада кузатилиши мумкин. Хусусан, Аргентина (-6,7%), Бразилия (-5.5%) ва Мексика (-5.4%) давлатларида жорий йилда рецессия оқибатлари пайдо бўлиш эҳтимоли мавжуд. Бутун минтақада бизнеснинг узилиши ички тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин пасайишига олиб келади. Бу ички жамғармалар сусти бўлган ва тўғридан-тўғри инвестициялар яппи ички маҳсулотнинг 3 фоизини ва асосий инвестицияларнинг 15 фоизини ташкил этадиган минтақада бу жиддий зарар келтиради.

Шу ўринда, мамлакатимизнинг йирик иқтисодий ҳамкорларидан ҳисобланган Россия Федерацияси ҳам бугунги кунда салбий иқтисодий даврни бошдан кечирмоқда. Россиянинг нефть саноати жаҳон бозорида асосий мавқени эгаллашини ҳисобга олсак, пандемия оқибатида йил бошидан буён нефть нархи деярли 60 фоизгача тушиши мамлакат иқтисодиётига жиддий таъсири кузатилиши мумкин.

Али Мирзаэи ва Ритаб Салем Фарҳан Ал-Коурибнинг илмий изланишлари 2016 йилда нефтга бой мамлакатларнинг глобал молиявий инқирозга нисбатан чидамлилигига бағишланган [7]. Муаллифлар инқироз банкларнинг бозорга таъсирини тадқиқ этган ҳолда, саноатнинг ўсиши ўтганлигини учта асосий натижалар орқали асослаб беришган. Биринчидан, банклараро рақобат инқироз даврида сустлашган, иккинчидан, молиявий инқироз даврида кўпроқ ташқи молиявий ресурсларга боғлиқ бўлган тармоқлар номутаносиб равишда кўпроқ зарар кўрган; учинчидан, ушбу хулосалар нефтга бой араб мамлакатлари инқирознинг салбий оқибатлари билан боғлиқ нефть экспорт қилувчи мамлакатларга нисбатан қўлланилади.

Тадқиқотчилар хулосасига кўра, ушбу натижалар нефтга бой мамлакатларнинг инқирозга қарши заифлигини тасдиқлайди, молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва реал иқтисодий фаолиятнинг пасайишининг олдини олиш учун тегишли чоралар кўришни талаб қилишини таъкидлаб ўтишади. Фикримизча, пандемия натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларида ҳам яққол намоён бўлмоқдаки, ушбу шароитда

нефтга бўлган талабнинг юқори суръатларда камайиши натижасида унинг нархининг кескин пасайди, бу асосан иқтисодиёти нефтга боғлиқ бўлган мамлакатларга жиддий таъсир этмасдан қолмади. Хусусан, COVID-19 пандемия таъсири доирасида 2020 йил апрелда 2019 йил апрелга нисбатан дунё бўйича нефть маҳсулотига бўлган талаб қарийб 7 баробарга камайди. Натижада, 2020 йил апрель ойида Жаҳон ЯИМ - 1,5 %, Европа худуди ЯИМ - 6,0%, Буюк Британия ЯИМ - 5%, Япония ЯИМ - 3,9 % ва Бразилия ЯИМ - 2,4%га пасайди [8].

Сўнги уч йилда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияси кенгайганлиги, йирик халқаро ташкилотлар, компаниялар ва молия институтлари билан ҳамкорлик алоқаларининг олиб борилаётганлиги сабабли пандемия оқибатлари миллий иқтисодиётимизга таъсир этмасдан қолмайди, албатта.

Миллий иқтисодчи олимларимиздан профессор С.Элмирзаевнинг фикрига кўра [9], миллий иқтисодиётимизда ҳам пандемиядан сўнг иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш орқали ижтимоий фаровонликни ошириш мақсадида бир қанча таклифлар берилган бўлиб, улардан бири сифатида иқтисодиётнинг хусусий сектори имкониятларидан максимал фойдаланиш учун хусусий секторнинг давлат сектори билан бир хил шароитда ишлашини йўлга қўйиш лозим бўлиши кўрсатилган. Бунда солиққа тортиш, молиявий таъминот (кредитлаш, субсидиялаш) ташқи иқтисодий фаолият юритиш (божхона амалиёти) борасида мамлакатимизда ҳар қандай бизнес учун ягона тартиб амал қилишига эришиш талаб этилади.

АҚШнинг Висконсин университети докторанти, иқтисодчи Бехзод Ҳошимовнинг қарашларига кўра [10], коронавирус пандемияси ва карантин чораларининг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга оид бир қатор ёндашувларни таклиф қилди, яъни инқироздан чиқиш учун одамларга ҳукумат томонидан пул тарқатилиши – иқтисодий занжир қайта жонланишига олиб келади. Унинг таъкидлашича, одамларга давлат томонидан пул тарқатилса, улар пулни ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар учун сарфлайди. Натижада, жамиятдаги иқтисодий занжир қайтадан «ёқилади». Агар ҳеч кимда пул бўлмаса, ҳеч ким даромад ололмайди, оиласини боқа олмайди. «Давлатнинг аҳолига пул бериши чўғни ёқиб юборишдек гап. Бироз кутилса, чўғ ёниб кетиши мумкин, тезроқ ёқиш учун нақд пул ташлаб уни ёқишнинг иложи бор», деб ҳисоблайди иқтисодчи олим. Фикримизча, аҳолига пул маблағларини мақсадли, яъни аҳоли яшаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда оқилона қарор қабул қилиш орқали йўналтирилиши ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоясини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) янги ҳисоботида таъкидланишича [11], 2020 йилда минтақада 2,2 фоизга ўсиш прогноз қилинмоқда, бу ўтган йилнинг сентябрь ойидаги 5,5 фоизга нисбатан 3,3 фоизли пунктга пасайиш

демакдир. Бундан ташқари, ҳисоботга кўра, пандемия энерготашувчилар нархининг пасайиши оқибатида Ўзбекистон иқтисодий ўсишини секинлаштиради. Ана шундай ҳозиги оғир даврда Ўзбекистонни COVID-19 пандемиясига қарши курашиш учун маблағ жалб қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминлаш орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, ОТБнинг Ўзбекистонга 1 миллиард АҚШ долларигача маблағ ажратиш кўриб чиқиш масаласи алоҳида муҳокама қилинмоқда [12].

Шунингдек, Ислон тараққиёт банки (ИТБ) “Стратегик тайёргарлик ва чоралар тўплами” (умумий қиймати 2,3 млрд. АҚШ доллари) имкониятларидан фойдаланиб, Ўзбекистонга коронавирус пандемияси даврида соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари ҳамда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун ИТБ томонидан умумий қиймати 140 млн. доллардан ортиқроқ бўлган молиявий маблағларни жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси прогнозига кўра, 2020 йил якуни бўйича жаҳон иқтисодиёти 3 фоизга қисқаради. Осиё минтақасида нол фоизгача пасайиш кутилмоқда. Бу қарийб сўнгги 60 йил ичида иқтисодий ўсишнинг энг ёмон кўрсаткичидир. Ўзбекистон иқтисодиётида эса, режадаги 5,5 фоиз ўрнига 1,8 фоиз атрофида ўсиши прогноз қилинмоқда [13]. Қайд этиш керакки, ЯИМ ўсишининг 1,8 фоизлик прогнози реалликка кўчган тақдирда, бу – Ўзбекистон иқтисодиёти учун 1995 йилдан кейинги энг паст ўсиш кўрсаткичи бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан ушбу жиҳатлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда кутилаётган иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 19 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969 сон фармони қабул қилинди [1]. Фармонга кўра, пандемияга қарши кескин чоралар амалиётга жорий этилиши билан бир вақтда, жорий вазиятда аҳоли ва иқтисодиёт субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳам устуворлик берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилган ҳолда, жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш; тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш; аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш; иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш ва бошқалар этиб белгиланди.

Шу жумладан, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978 сон фармони қабул қилинди [2]. Хужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда 2020 йил 31 декабрга қадар бир қатор товарларга божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланди; бир қатор хизмат кўрсатувчи юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинди ва ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фоиз миқдорда тўлайдиган бўлди ва бошқалар.

Юқоридаги қабул қилинган хужжатлар мамлакатимизда каронавирус пандемиясини миллий иқтисодиётга таъсирини камайитириш ва юмшатишга қаратилган ҳамда пандемиядан сўнг иқтисодий жадаллаштириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Фикримизча, пандемия натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларини иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш ва ундан кейинги даврда миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, ҳозирги вазият иқтисодиётнинг янги, яъни рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш босқичига ўтишини тақозо қилади. Бунда кўпчилик тармоқларнинг масофавий фаолият олиб бориши, таннарх харажатлари ва хуфёна иқтисодиётнинг қисқариши ҳисобига самарадорлик ошишига олиб келади. Шу сабабли ҳам глобал тармоқ тезлиги ва кўламини оширишни қўллаб-қувватлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатлар ва компанияларнинг маълумот алмашишини ҳамда сифатини ошишига хизмат қилади.

Иккинчидан, давлат бюджети даромадлар базасини ошириш нуктаи назаридан йирик компанияларнинг маъмурий ва иккинчи даражали харажатларини камайитириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, пандемия даврида айрим йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариши ва самарадорлиги пасайиши ҳисобига молиявий ночор ҳолатга тушиб қолиш эҳтимоли мавжуд (талабдан келиб чиққан ҳолда). Бу эса, ўз навбатида, ишчиларнинг ижтимоий ҳолатига ва мамлакат тараққиётига салбий таъсирини келтириб чиқаради. Шу сабабли, ушбу корхоналар фаолиятини кичик корхоналарга диверсификациялаш орқали (масалан, пандемия шароитида зарур бўладиган маҳсулотлар ишлаб

чиқишга йўналтириш) уларнинг молиявий ҳолатини ва экспорт салоҳиятини яхшилаб туриш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, мамлакатимизда аҳолини биринчи даражадаги ва муҳим озиқ-овқатлар ҳисобланган картошка, ун, гўшт каби маҳсулотлар билан таъминлаш ва уларга бўлган импортни камайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш чораларини кўриш лозим.

Бешинчидан, пандемия натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг миллий иқтисодиётига салбий таъсирини камайтиришда меҳнат бозоридаги таркибий ислохотларни ўзида мужассам этган қатъий иқтисодий бошқарув олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу шароитда аҳолининг ишсизлик даражасини ошиб кетишини олдини олиш мақсадида, меҳнат бозорини диверсификация қилиш, асосан масофавий ишлаш режимидаги фаолиятларни ривожлантириш, йирик ишлаб чиқарувчиларни шароитга мосланувчан кичик бизнес фаолиятига ўтказиш иқтисодиётни инқироз даврида ва ундан кейинги босқичларда барқарор ривожланишига мустаҳкам пойдевор бўлади.

Олтинчидан, миллий иқтисодиётда аҳолига моддий ёрдамларни мақсадли, яъни аҳоли ижтимоий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда оқилона қарор қабул қилиш орқали йўналтирилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоясини тўғри ташкил этиш ва мамлакатда камбағалликни кучайиб кетишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармони.

3. Serdar Ozturk, Ali Sozdemir. Effects of Global Financial Crisis on Greece Economy // 2nd GLOBAL CONFERENCE on BUSINESS, ECONOMICS, MANAGEMENT and TOURISM, 30-31 October 2014, Prague, Czech Republic. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212567115004414>).

4. Servaas Storm, C.W. M. Naastepad. Crisis and recovery in the German economy: The real lessons. Structural Change and Economic Dynamics Volume 32, March 2015. –pp.11-24. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0954349X15000028>).

5. Richard Baldwin and Beatrice Weder di Mauro. Economics in the Time of COVID-19. -Centre for Economic Policy Research. -London, 2020. –pp. 17-18.

6. <https://www.eiu.com>.
7. Ali Mirzaei, Ritab Salem Farhan Al-Khouri. The resilience of oil-rich economies to the global financial crisis: Evidence from Kuwaiti financial and real sectors // *Economic Systems*. Volume 40, Issue 1, March 2016. –pp. 93-108. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0939362515000813>)
8. https://www.opec.org/opec_web/en/publications/338.htm.
9. Элмирзаев С. Пандемиядан кейинги миллий иқтисодиёт. <https://t.me/SamariddinUZ>. 10 апрел, 2020.
10. <https://kun.uz/uz/news/2020/04/11/hozirgi-inqiroz-davrida-kompaniyalarga-emas-aholiga-pul-tarqatish-samaraliroq-behzod-hoshimov>.
11. <https://www.adb.org>.
12. <https://mift.uz>
13. World Economic Outlook, April 2020: Chapter 1. International Monetary Fund. -p.23. (<https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2020/04/14/weo-april-2020>).
14. <https://www.eiu.com>.